

## «Hilol-nashr» муҳаррири, устоз Эркин Малик «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландилар



14:29 / 27.06.2022 1252

27 июнь куни юртимизда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» кенг нишонланади. Шу кун муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини йўллаб, соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Фармонга кўра, мамлакатда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқ ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган демократик ислохотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, юртдаги яратувчилик ва янгиланиш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, соҳа учун малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Тақдирланганлар орасида «Hilol-nashr» нашриёт матбааси муҳаррири, устоз Эркин Маликнинг ҳам борлиги жуда қувонарли. Қатор китоблар муаллифи, шу билан бир қаторда ёшларимизга ҳам илм-маърифат йўлида устозлик қилиб келаётган Эркин Малик «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландилар.

Биз ҳам барча ижодкорларни «27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» муносабати билан самимий муборакбод этиб, чексиз ҳурмат ва энг эзгу тилақларимизни билдириб қоламиз.